

O'zbekiston Respublikasi
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

масалалари

ilmiy-maqolalar to'plami

Samarqand-2015

Ministry of Higher and Secondary Special Education
of the Republic of Uzbekistan
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Issues (Problems)

The journal (collection) of scientific articles

Samarkand-2015



Мурадова Н. А. Навоийнинг “Фарход ва Ширин” поэмасининг русчадан инглизчага қилинган таржимаси ҳақида. Мақолада А. Навоийнинг “Фарход ва Ширин” поэмасини инглизчага ўгиришдаги экспрессивлик, адекватлик масалалари қиёслаб ўрганилади.

Muradova N. Traslation of the poem Alisher Navoi “Farhad and Shirin” from Russian into English version. This article considered the features of English phraseological translation from Russian version of poem “Farhad and Shirin” as national singularity expressive meaning, contextual sale and adequacy of the origin.

КОМПАРАТИВ ФБ НИНГ ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА (Т. ДРАЙЗЕР АСАРЛАРИ ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА)

Исмаилова Насиба,

Самарқанд давлат чет тиллар институти магистри

Таянч сўзлар: тургун сўз бирикма, эмоционал-экспрессив аналогик вариант

Маълумки, “ҳар бир миллий тилда тургун сўз бирикмалари мавжуд бўлиб, турли халқларнинг дунёқарашили ва атроф-муҳитга, ижтимоий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларга муносабатини қиёсий ифода этади. Инсонлар ўз муносабатларини артоф-муҳитга образли ва эмоционал-экспрессив ифодалаш мақсадида қиёсдан фойдаланадилар” (1:70).

Илмий адабиётда қиёсга асосланган тургун сўз бирикмалари компаратив ФБлар деб юритилади. Бундай бирикмалар инглиз тилида одатда *as, as...as, such, as, as it (as though), like* каби боғловчилар ва *seem, look* феъллари орқали ясалади. Ўзбек тилида эса *худди, каби, бамисоли, гўёки, сингари* каби боғловчилар, *-дай, -дек* суффикси ҳамда *-га ўхшаб сифатдош обороти* орқали ифодаланади.

Мутаржим инглиз тилидаги компаратив ФБ ни таржима қилишда маълум қийинчиликларга дуч келиши табиий. Бунга асосий сабаб инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёсланаётган объектларнинг ўхшаш бўлишлиги билан биргаликда бутунлай фарқ қилишидир. Масалан: Инглизлар ҳам, ўзбеклар ҳам ўта семиз одамларга салбий муносабат билдиришда: *as fat as a pig, чўчқадай семиз*. Тезлик ҳар иккала тилда ҳам яшинга қиёсланади: *as quick as lightning, яшиндай тез*. Аммо-лекин гўзаллик инглизларда гилос ёки қизил гулга, ўзбекларда эса қизил олмага қиёсланади: *as*

red as a cherry (rose), олмадай қизил. Юввошлик инглиз тилида кабутарга, ўзбекларда эса мусичага қиёсланади: *as harmless as a dove, мусичадай беозор*. Енгиллик инглизларда парга, ўзбекларда эса қушга қиёсланади: *as light as a feather, қушдай енгил*. Жисмонан бақувват одамлар инглизларда отга, ўзбекларда эса филга қиёсланади: *as strong as a horse, филдай бақувват*.

Демак, мутаржим масалага ижодий ёндашиши, имкони борича аслиятга мос эквивалент топиши зарур.

Компаратив ФБлар ўзбек тилига турли усуллар орқали таржима қилинади:

1. Аслиятдаги қиёсий образ билан таржима тилидаги қиёсий образ бир бирига айнан мос келса, таржима тилидаги эквивалент билан алмаштирилади. Демак, бу турли халқларнинг тилида ўз аксини топган ҳаётий воқеяликларга, табиат ҳодисаларига, турли туман нарсаларга муносабат билдиришдаги умумий ўхшашликларнинг натижасидир. Масалан, инглиз тилида ҳам ўзбек тилида ҳам сув тиниқлигини “кумушга” ёки “ойнага” қиёслаш мумкин.

Масалан: *Summer days perhaps, and that soon, in which he and she would be in a canoe at Twelfth lake, the long shadows of the trees on the bank lengthening over the silvery water, the wind rippling the surface while he*



paddled and idled and tortured him hints of the future (2:519).

“Ёз кунлари келди дегунча,- бунгача ҳам бир оз вақт қолди,- иккови Ўн иккинчи кўлда байдаркада сузиб сайр қилишарди... Соҳилдаги дарахтларнинг узун кўланкалари кумуш ранг сув бетига тушган, ойнадек силлиқ сув сатҳини шабада мавжлатираётган бўлади”. (3:5)

Яна бир мисол “*And with Sandra as the central or crowning jewel to so much sudden and such Aladdin like splendor*” (2:524).

Таржимаси: “Ҳозир эса бу барча ҳашаматларнинг марказида, ҳаммасидан ҳам юксакликда худди “Минг бир кеча”да тасвирланган кишини лол қолдирувчи афсонавий бебаҳо дурга ўхшаб Сандра турибди” (3:9).

Таржимани аслият билан қиёсласак, мутаржимнинг аслиятга мос қиёс топганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хатто аслиятдаги Алауддин исмининг “Минг бир кеча” эртагидан олганлигига ишора бериб, таржиманинг мазмун планида мукамалликка эришган.

2. Компаратив ФБ таржима қилишда таржима тилидаги бошқа қиёсий образнинг аналогик вариантларидан фойдаланиш мумкин. Атроф – муҳит, ҳаёт тарзи, истеъмол қилинадиган предметлар, турли мақсадларда сақланадиган ҳайвонлар турли халқларда бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Масалан, оқ ранг ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида “қор”га қиёсланади. Баланд бўйли, қадди-қомати келишганлар инглиз ва русларда кедрга, ўзбекларда эса сарвга нисбат берилади.

Масалан, “*His frame? Which had once been tall and erect, like the cedar, was now binding under the pressure of more than a century*” (2:410). Таржимаси: “Бир замонлар сарвдек тик, хушбичим қадди бир асрлик ҳаёт машаққатлари юки ости букилиб дол бўлганди” (3:20).

3. Мутаржим компаратив ФБ таржима қилишда бошқа усуллардан ҳам фойдаланган.

Масалан, инглиз тилидаги “мўри” сўзи ўзбек тилига “етимчадек сўппайиб” деб таржима қилиниб таржиманинг тўлақонли эмоционал вариантыни топа олган.

Қиёсланг! “*For what a house to be sure! So lonely and bare, even in this bright, spring weather! The decayed and sagging roof*” (2:527).

Таржимаси: “Шу ҳам уй бўлди-ю! Ҳатто мана шундай серқуёш баҳор кунда ҳам етимчадек сўппайиб, шип- шийдон ҳолича турибди” (3:12).

Ёки бўлмаса “*With a weakening and sickening sensation at the pit of this stomach, as of some blow administered there, he now approached the door. And then, as it to further distress him, if that were possible, the door was opened by Titus Alden, who, in an old, threadbare and out – at – elbows coat, as well as baggy, worn, jean trousers and rough, shine less, ill – fitting country shoes, desired by his look to know what he wanted*” (2:527).

Таржимаси: “Клайд эшикка яқинлашиб борганда аъзойи бадани қақшаб, худди бировдан туртки егандек биқини санчиди. Шу пайт, худди Клайдни иложи борица яна баттарроқ хафа қилиш кўзда тутилгандай эшикни Тайтус Олденнинг ўзи очди, у ранги униқиб, енглари йиртилиб кетган куртка, қопга ўхшаш титилиб кетган шолвор, қўпол, исқирт ва ниҳоятда полоплаган қишлоқи кавуш кийиб олган эди” (3:12).

Таржимани аслият билан қиёслаганимизда, аслиятдаги компаратив ФБ мос эквивалент топганлигини кўришимиз мумкин. Клайднинг ниҳоятда ночор, беҳол эканлигини тасвирлаган компаратив ФБ таржима тилида ҳам катта маҳорат билан ўгирилган. Жумладан, “худди бировдан туртки егандек” ёки “қопга ўхшаш титилиб кетган шолвор” каби ўхшатишлар Клайднинг абгор аҳволини рассомдек тасвирлаб турибди.

Сандранинг Клайдга муносабати, уни ниҳоятда севиши, уни жуда қийин аҳволдан чиқариш мақсадида унинг кўнглини топиш учун айтган гаплари муаллиф томонидан катта маҳорат билан баён қилинган. Мана шу эмоционал ҳолатни янада жонли,



экспрессив тасвирлаш мақсадида компаратив ФБ дан унумли фойдаланган.

Эътибор беринг! *"What come over de sweet phing?" (When Clyde appeared to be the laast reduced in mind she most affected this patter with him, since it had an almost electric, if sweetly tormenting effect on him. "His baby – talking girl," he sometimes called her.) "Facey all dark now. Little while ago facey all smiles. Come make facey all nice again. Smile at Sondra. Squeeze Sondra's arm like good boy, Clyde"* (2: 529).

Таржимаси: *"Вой, миттижонимга нима бўлди? – деб шивирлади. (Клайд сал хомушланиб қолса, Сандра уни гўдакдек эркалашни яхши кўрар, Сандранинг болаларча чулдурани эса Клайдга бамисли электр токидек таъсир қилади: шунда у ҳам ҳузурланар, ҳам азоб чекар эди. У гоҳида Сандрани "менинг бижилдогим" деб ҳам кўярди). – Афти-ангорига қарасанг, жудаям хафа. Ҳозиргина ҳаммамиз қаҳқаҳа уриб кулаётган эдик. Қани, қани, менинг*

кичкинтайим бир шодлансин-чи... Сандра бир кулиб қарасин-чи... Қани, қани, Клайд бир эркалик қилиб Сандранинг қўлини кафтига олсин-чи!" (3: 14)

Мутаржим Сандранинг Клайдга бўлган эҳтиросини чуқур англаган ҳолда, бирорта "деталь"ни четда қолдирмасдан таржима қилганлигини, компаратив ФБ ларнинг ўзбек тилидаги эквивалентларини топа олганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. "Гўдакдек эркалаш", "бамисли электр токидек" каби компаратив ФБ фикримизни исботлаши мумкин.

Биз компаратив ФБ таржимасининг баъзилари ҳақида тўхталдик, холос. Демак, компаратив ФБ таржима қилиш жараёнида таржима тилида аслиятга мос эквивалент топиш тақозо этилади. Мабодо, таржима эквивалент бўлмаса, аслиятдаги қиёсний сўзма-сўз таржима қилиш мақсадга мувофиқдир. Биз бу билан таржима тилида янги бир компаратив ФБ яратишга имкон топамиз.

Адабиётлар:

1. Мусаев Қ. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода. – Т.: «Ўқитувчи». – 1980
2. Dreiser T. An American Tragedy. – Moscow.: – 1951
3. Драйзер Т. Америка фожеаси. – Т.: – 1976

Исмаилова Н. К вопросу перевода компаративных ФЕ (на материале переводов Т.Драйзера на узбекский язык). В данной статье рассматривается перевод компаративных фразеологических единиц английского языка на узбекский язык.

Ismailova N. Translation of comparative frazalogical units. The article dails with the translation of comparative frazalogical units from English into Uzbek.

ГЁТЕ ШЕЪРЛАРИНИНГ ТАРЖИМАСИ ВА ТАЛҚИН

Ильёсов Фаррух,

Самарқанд давлат чет тиллар институти магистри

Таянч сўзлар: ритм, радиф, эмоционал, лингвостилистик, семантик, метасемиотик, метаметасемиотик

Ҳар бир шеърнинг яратилиши она тилнинг мўъжизасидир. Шеърда тилнинг ҳамма жилоси-нозик хусусиятлари, мусиқийлиги, товушлар системаси, ритми, оҳангги, ҳар бир сўзнинг пурмаънолиги ўз

аксини топади. Шеърнинг ўзига хос грамматикаси мавжуд бўлиб, унда товушлар системаси маълум қонуниятга асосланган, сўз ва сўз бирикмалари, баъзан, радиф, қофия ва ташқи компонентлар бир